“ТАСДИҚЛАНГАН”
“Ўзбекистон республика валюта биржаси”
акциядорлик жамияти
Акциядорларининг навбатдан ташқари
умумий йиғилишида
11 июль 2014 йил
68 - сонли баён билан

Киритилган ўзгартиришларга мувофиқ:
2015 йил 19 июндаги 70-сонли баён
2016 йил 29 июндаги 73-сонли баён
2018 йил 21 сентябрдаги 76-сонли баён
2019 йил 7 январдаги 77-сонли баён
2021 йил 29 июндаги 80-сонли баён
2022 йил 30 июндаги 83-сонли баён
2023 йил 23 майдаги 85-сонли баён

“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА ВАЛЮТА БИРЖАСИ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ИЖРОИЯ ОРГАНИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур Низом “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссиясининг 2015 йил 31 декабрдаги 9-сонли баёни билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув кодексига ва “Ўзбекистон республика валюта биржаси” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда - ЎзРВБ) уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Низом ЎзРВБ Ижроия органининг фаолият тартибини, ваколатини, ҳуқуқ ва мажбуриятларини, шунингдек, жавобгарлигини белгилайди.

3. ЎзРВБ Ижроия органи деганда яккабошчилик асосида иш олиб борувчи Ижроия органи - ЎзРВБ Бош директори (Бош директор) тушунилади.

II. ИЖРОИЯ ОРГАНИНИНГ ФАОЛИЯТ ТАРТИБИ ВА ВАКОЛАТЛАРИ

4. ЎзРВБ Бош директори ЎзРВБ Кузатув кенгаши (кейинги ўринларда - Кузатув кенгаши) қарорига асосан тайинланади. Бош директорни тайинлаш, қоида тариқасида, чет эллик менежерлар иштирок этиши мумкин бўлган танлов бўйича саралаш асосида амалга оширилади. ЎзРВБ номидан Кузатув

кенгаши раиси Бош директор билан уч йил муддатга шартномани тузади. Кузатув кенгаши ҳар йили шартнома муддатини узайтириш ёки бекор қилиш ҳақида қарор қабул қилади. Бунда Бош директор лавозимига тайинланган (қайта тайинланган) шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ тайинланиши мумкин эмас.

5. ЎзРВБнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш ваколати ЎзРВБ Бош директори томонидан амалга оширилади. ЎзРВБ Бош директори ваколатига ЎзРВБнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, ЎзРВБ акциядорлар умумий йиғилишининг ёки Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар бундан мустасно.

6. ЎзРВБ Бош директори:

ЎзРВБ Акциядорлари умумий йиғилишининг ва Кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади;

ЎзРВБ номидан ишончномасиз иш юритади, шу жумладан унинг манфаатларини ифодалайди, ЎзРВБ номидан битимлар тузади;

штатларни тасдиқлайди, ЎзРВБнинг барча ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

ўз ваколатлари доирасида ЎзРВБнинг ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлайди;

ЎзРВБ аъзоларини биржа савдоларида иштирок этишига рухсат беради ва уларнинг биржа савдоларида иштирок этаётган ходимларининг (трейдерларининг) касбий малакасини юқори савияда сақлашни таъминлаш учун шарт-шароитлар яратади;

ЎзРВБ аъзоларини биржа савдоларида иштирок этишдан вақтинча четлаштиради ва Кузатув кенгаши муҳокамасига ЎзРВБ аъзоларини аъзоликдан чиқариш масалаларини қўяди;

агар биржа товарларининг котировкалари (нархлари) биржа томонидан белгиланган чегаравий миқдордан ўзгариб кетса, биржа савдоларини тўхтатиш ҳақида қарор қабул қилади;

ЎзРВБ бизнес хатарлари ва Ижроия органи жавобгарлигини суғурталайди;

қонунчиликка мувофиқ ЎзРВБ акциядорлари умумий йиғилиши ёки Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилмаган, ЎзРВБнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир бошқа масалаларни ҳал этади.

III. ИЖРОИЯ ОРГАНИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

7. ЎзРВБ Бош директорининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

ЎзРВБнинг бошқа таркибий бўлинмаларининг ўзаро самарали ҳаракатини таъминлаш;

ЎзРВБ шартнома мажбуриятларининг бажарилишини таъминлаш;

ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳани ривожлантириш учун зарур бўлган миқдорларда фойда олишни таъминлаш;

ЎзРВБни ривожлантириш дастурлари ва бизнес-режалари ишлаб чиқилишига раҳбарлик қилиш, уларни ташкил этиш ва бажарилишини назорат қилиш;

ЎзРВБ Бош директори кузатув кенгаши, акциядорларнинг умумий йиғилиши, ЎзРВБ устави ва ривожланиш режаси (бизнес-режа) томонидан қўйилган вазифаларнинг сўзсиз бажарилиши учун ўз ваколатига кирувчи масалаларни мустақил ҳал этиш;

ЎзРВБнинг самарали фаолиятини таъминлаш учун қонунчилик талабларига ва ЎзРВБнинг ички меъёрий ҳужжатларига риоя қилиш;

ЎзРВБда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ташкил этилиши, ишончлилигини таъминлаш, йиллик ҳисоботлар ва бошқа молиявий ҳисоботлар тегишли органларга ўз вақтида тақдим этилиши, шунингдек акциядорларга, кредиторларга ва бошқаларга юбориладиган ЎзРВБ фаолияти тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш;

ЎзРВБнинг молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни Кузатув кенгаши, Тафтиш комиссияси ёки аудиторлик ташкилоти талабига кўра тақдим этиш;

давлат статистика ҳисоботини тегишли органларга тўлиқ ва ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ муҳофаза қилинадиган ахборотларни ташкил этувчи маълумотларнинг ҳимоясини таъминлаш;

ЎзРВБ номидан ҳужжатларни имзолаш;

ЎзРВБни малакали ходимлар билан таъминлаш, ЎзРВБ ходимларининг билими, малакаси, тажрибаси ва қобилиятларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирларини кўриш, шунингдек, ўз малакасини, ЎзРВБ ходимларининг малакасини бевосита ўқув курсларида, семинарларда ва бошқа тадбирларда қатнашиш орқали оширишни таъминлаш;

меҳнат ва технология интизомига риоя қилиш;

ижтимоий кафолатларга риоя қилинишини таъминлаш ва ЎзРВБ ходимларининг меҳнатини муҳофаза қилиш;

ЎзРВБ Жамоа шартномаси тузилганида, иш берувчи сифатида қатнашиш ва у бўйича зиммасига олган мажбуриятларни бажариш;

ўз ваколатига тегишли ишларнинг ҳолати тўғрисидаги ахборот ва ҳисоботларни акциядорларнинг умумий йиғилишига қонунчиликда белгиланган муддатда тақдим этиш, шунингдек ЎзРВБ фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда ЎзРВБнинг йиллик бизнес-режасини бажариш юзасидан қилинган ишлар тўғрисида ҳар чоракда Кузатув кенгаши олдида ҳисобот бериш. Ҳисоботда ЎзРВБ фаолиятининг бизнес-режа ва ҳақиқатдаги кўрсаткичларини таққослаш натижалари, бизнес-режа кўрсаткичларининг бажарилмаслик сабаблари таҳлили (агарда, шунақа ҳолатлар мавжуд бўлса), шунингдек, ривожланиш режасини бажариш бўйича амалга оширилган тадбирлар ва бошқа масалалар юзасидан ахборотлар акс эттирилади;

ўз вазифаларини профессионал асосда амалга ошириш, қонунчилик, ЎзРВБ устави, ЎзРВБ Акциядорлари умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаши қарорларидан келиб чиқувчи барча мажбуриятларни виждонан ва оқилона бажариш.

8. ЎзРВБ Бош директорининг аниқ ҳуқуқлари ва мажбуриятлари у билан тузилган шартномада ҳам келишиб олинади.

IV. ИЖРОИЯ ОРГАНИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

9. ЎзРВБ Бош директори ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки зарур даражада бажармаганлиги натижасида ЎзРВБга етказилган зарар учун Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларига ва ЎзРВБ уставига мувофиқ етказилган зарарни қоплаш бўйича ЎзРВБ олдида жавоб беради.

ЎзРВБ Бош директори томонидан йирик битим ёки аффилланган шахслар билан битим тузиш тартиби бузилганлиги натижасида ЎзРВБга зарар етказилган бўлса ва бунда ЎзРВБ Бош директорининг айби қонунчиликда белгиланган тартибда исботланса, ЎзРВБнинг кредиторлар олдидаги қарздорлигини қоплаш учун унинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда ЎзРВБнинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгар бўлади.

10. ЎзРВБ Бош директори Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига риоя этмаганлик ёки Корпоратив бошқарув кодексида назарда тутилган ахборотларни ошкор этмаганлик учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавобгарлик чораси ўрнатилади.